

ПРАГМАЛИНГВИСТИКА, ФУНКЦИОНАЛ ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ТИЛ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

мавзусидаги республика
илмий-амалий анжуман материаллари

ТЎПЛАМИ

15-16 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Прагмалингвистика, функционал
таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари
интеграцияси**

**мавзусидаги Республика
илмий-амалий анжуман материаллари**

ТЎПЛАМИ

15-16 ноябрь

БУХОРО – 2018

verbe transitif	Verbe intransitif	Verbe pronominal	verbede mouvement	verbede changement	forme passive
«avoir» accord avec le COD s'il précède			«avoir» dans un emploi transitif	«avoir», insiste sur le changement	
	souvent «être», accord avec le sujet	«être», accord avec le COD s'il précède pouvant représenter le sujet	«être», dans un emploi intransitif	«être», insiste sur le résultat	«être», accord avec le sujet

Quelques verbes de mouvements se conjuguent avec l'auxiliaire «avoir» dans un emploi transitif, ou avec l'auxiliaire 'être' dans un emploi intransitif. Enfin, quelques verbes de changement se conjuguent normalement avec l'auxiliaire «avoir» pour insister sur le changement, mais peuvent également se conjuguer avec l'auxiliaire 'être' pour insister sur le résultat du changement.

La langue française est complexe, nous le savons tous. Mais savoir rédiger en Français en limitant les erreurs ou les fautes d'orthographe est accessible, sans pour autant dénaturer ou appauvrir ses écrits professionnels, ou personnels.

Littératures:

- 1.Lacroix, Gh. Le petit Larousse, 2005.
- 2.Grevisse, M. Précis de la grammaire française. Bruxelles 1995.

Ҳоҷиева Г.С.БухДУ,

Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

ФРАНЦУЗ ҲАМДА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МУСИҚА ВА САНЪАТГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда тилшунослик жадал суръатлар билан ривожланиб, айниқса терминологияни ўрганиш янги босқичга кўтарилган. Жумладан, термин яшаш ва танлаш методлари, уларнинг самараси, ясалаётган терминларнинг адабий тил нормаларига мос келиши ва уларни тилда қўллаш, терминларнинг структур қатламлари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш тилшунослик равнакига кенг йўл очади.

Маълумки, тилшуносликнинг энг долзарб, ғоятда мураккаб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган соҳаси атамашунослиқдир, яъни терминшунослик. Атамашунослик лингвистик ва нолингвистик соҳаларнинг барчаси билан чамбарчас боғлиқ дейиш мумкин. Фаннинг бирор тармоқ йўқки, унда махсус сўзлар, яъни терминлар учрамаса. Атамаларнинг шаклланиши ҳам халқнинг тарихи қадар қадимийдир.

Тил ва маданият муносабати, унинг ижтимоий ҳаётда акс этиши, тилларни илмий нуктаи назардан ўрганиш алоҳида эътиборни талаб

Тил— инсон маънавий оламида унинг ўзлигини англаш йўлидаги энг буюк кашфиётидир. Зеро, инсон даврлар мобайнида тилни тадқиқ қилар экан, унинг янги ва яна янги қирраларини кашф қилиб бораверади. Шу тариқа “тилшунослик” дея аталмиш атама ва унинг ўзига хос хусусиятларидан ташкил топган улкан “пирамида” бунёдга келганлиги ва ҳали-ҳамон унинг қирралари, ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш давом этаётганлиги ҳақиқатдир.

Замонавий тилшуносликда турли тизимдаги тиллардаги грамматик ва лексик муаммолар билан бир қаторда соҳа атамашунослиги, хусусан кенгайиб бораётган глобаллашув жараёнида сиёсий соҳага оид атамалар масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Атамаларни ўрганишдан асосий мақсад эса чет тилларидан кириб келаётган сўзларни ўз она тилимизга айнан мос тушадиган сўзларга алмаштириш ва таржима қилишдир.

Тилшунослик соҳа сифатида тадқиқ этилар экан, терминология унинг муҳим бўғини ва ажралмас қисми эканлигини айтиш мумкин.

Маълумки, “терминология” атамаси тўғрисида турлича таърифлар мавжуд. Терминология (лотинча *terminus* — чегара + юнонча *logos* — фан, таълимот) бир неча маъноларини ўзида акс эттиради ва унинг бир неча турлари мавжуд.

Терминология — муайян бир соҳага оид терминлар мажмуи ва тилшуносликнинг терминларни тартибга солиш ҳақидаги соҳаси ҳисобланади¹.

Айтиш жоизки, терминологиянинг соҳа сифатида шаклланиши яна бир муҳим қадам — изохли луғатларнинг пайдо бўлиши, шу билан бирга уларнинг барча соҳаларни қамраб олишига сабаб бўлди, жумладан, мусика ва санъат соҳаларидаги терминларнинг катта аҳамият касб этишини.

Мустақиллик шарофати билан, айниқса, сўнгги йилларда юртимизда мусика ва санъат соҳаларига, бу борадаги мамлакатлараро маданий алоқаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртимизда мунтазам равишда “Шарқ тароналари” (Самарқанд), “Ипак ва зираворлар” (Бухоро), “Мақом” (Шахрисабз) фестивалларининг ташкил этиб келинаётгани халқаро маданий алоқаларда санъат, хусусан, мусика соҳасининг алоҳида аҳамият касб этаётганлиги ҳамда мазкур соҳага доир терминларнинг чуқурроқ ўрганилишини тақозо этмоқда.

Жаҳон халқларининг маданий ва маънавий бойликлари билан ганилишиш ўз миллий меросимизга ўзгача кўз билан қарашни тақозо этса, зеро қиёслаш уни муносиб баҳолашга имкон яратади.

Терминалогиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши нафақат бир илдаги атамаларни таҳлил қилиш, балки бир тилдаги атамани бошқа

¹Русско-узбекский словарь. Том II. Ташкент, 1984. — 564 ст.

тиллар билан киёслаб, уларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганишга ва изохли луғатларни шакллантиришга ҳам кенг йўл очади.

Тадқиқот давомида ўзбек ва француз изохли луғатларида мусиқа ҳамда санъатга оид терминларнинг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил этиш баробарида мазкур ноқардош икки тил орасида ўзигахосликларни кузатиш мумкин:

Масалан: I. “асбоб” сўзи: 1) *instrument m*; 2) *outil m*, 3) *ustensile m*; 4) *matériel m*; 5) *outillage m*; 6) *installation f*; 7) *objet m*;

II. асбоб-ускуна сўзи: 1) *outillage m*; 2) *installation f*; 3) *équipement m*; 4) *appareillage m*;

III. ашё сўзи: 1) *objet m*, 2) *chose f*; 3) *ustensile m*; 4) *affaire f*; 5) *effet m*; 6) *matière f*.

Юқорида берилган мисолларда ўзбек тилидаги “асбоб”, “асбоб-ускуна” ва “ашё” сўзлари француз тилида маъно жihatдан ўзаро синоним бўлиб келмокда. Чунки, 1- ва 3- мисоллардаги “*ustensile*”, “*objet*” ҳамда 1- ва 2-мисоллардаги “*installation*”, “*outillage*” сўзлари бир маънони ифодаламокда. Бундан келиб чиқадики, бир маънони ифодалаш учун ҳар иккала тилда бир маънони бир неча усулда ифодалаш мумкин бўлади:

- чолғу асбоблари – *instruments de musique*;
- мусикий асбоб – ускуналар *équipement musical*;
- мусиқа ашёлари – *ustensiles de musique*. ва.х.к.

Демак, илм-фаннинг барча соҳалардаги тараққиётнинг жадал ривожланиши натижасида параллел равишда унга доир атамашунослик ҳам ривожланиб бормокда. Шунинг учун мусиқа ва санъатга оид атама ва терминларнинг моҳиятини англаш, маъносини тушуниш учун терминларнинг лингвистик асосини билиш ҳамда бошқа тилга ўгиришдаги айрим муаммоларнинг ечимини бериш ўзбек ва француз тилшунослиги, хусусан, атамашунослик соҳаси олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

PREDLOGLARDAN FOYDALANISH (E.Hemingueyning "Chol va dengiz" qissasi asosida)	
Бабаева Ш., Розикова Н. НЕТРАДИЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ КЛАССНОГО И ВНЕКЛАССНОГО ЧТЕНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ	215
Розикова Н., Бабаева Ш. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ	218
Zoyirova D., Ochilova G. BILIM – QAYTARISH VA TAKRORLASH MEVASIDIR.	221
Saparova M. CHET TILI DARSLARIDA O'QUVCHILAR BILIMINI VA MAHORATINI OSHIRUVCHI BAHOLASH METODIKASI	223
Nazaralieva M. LANGUAGE AND CULTURAL ISSUES IN ENGLISH CLASSES	225
Makhkamova S., Jurayeva N. PSYCHOLOGICAL FACTORS IN TEACHING SECOND LANGUAGE	228
Hikmatova N. DISCREPANCIES IN BILINGUALISM RESEARCH	230
Салихова Н. ДЕБАТЫ КАК МЕТОД ВОВЛЕЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ К ИЗУЧЕНИЮ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА	231
Kasimova N. THE EFFECTIVENESS OF COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING IN EFL CONTEXT	233
Кўлдашова Н. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИ "КУРАШ" ТЕРМИНИ ҲАҚИДА	235
Khamraeva G. GAMES AS AN EFFECTIVE WAYS OF IMPROVING YOUNG LEARNERS' SPEAKING SKILLS	238
Хамраева Г. И., Махмудова М.М. ФИЗИКА ДАРСЛАРИДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШ	240
Pirmatova Z. INTEGRATING READING COMPREHENSION STRATEGIES	241
Zoyirova D., Hamroyeva Sh. GAZETA VA JURNALLARNING TA'LIM TIZIMIDAGI RIVOJI	243
Jalolova A., Jurayeva M. SUR LES EXPRESSIONS ET LES VERBES AUXILIAIRES «AVOIR» OU «ÊTRE»	244
Ҳожиёва Г. ФРАНЦУЗ ҲАМДА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МУСИҚА ВА САЊАТГА ОИД ТЕРМИНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	246